**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси**
**_________ Т.Очилов**

## Бухоро вилояти адлия бошқармаси ва унинг тизимига ишга қабул қилиш бўйича танловда иштирок этадиган номзодга бериладиган саволлар рўйхати

### 1. ТЕСТ САВОЛЛАР.

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқда қандай муҳим масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси маълум қилинди?
2. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг муҳокамаси портали бу?
3. Кишининг қийинчиликларни енгишдан бош тортишга интилиши, иродавий куч-ғайрат кўрсатишни қатъий равишда истамаслиги ирода сустлигининг энг типик кўриниши бу…
4. Ғўлани 3 жойидан арраласи, у неча бўлакка бўлинади?
5. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи дунёда амал қилувчи қайси ҳуқуқ тизимига киради?
6. Калькуляторсиз ҳисобланг: *12-6:3+2·4*
7. Бувидан унинг набираси неча ёшда эканлигини сўрашса, у унинг ёши набирасининг ёшининг ойлари сонига тенг деб жавоб берди. Набираси билан бувининг умумий ёши 65 ёш. Набира неча ёшда? Буви неча ёшда?
8. Ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?
9. Ҳуқук нормаларининг тузилиши қандай қисмлардан иборат?
10. Фуқаролик қачон ўзгаради?
11. Ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёшни аниқланг.
12. Конституцияга ўзгартириш киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатларининг қанча овози талаб этилади?
13. Конституциянинг қайси қисмида Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаётгани эътироф этилган?
14. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?
15. Жисмоний шахсларга етказилган маънавий зарарни ундириш қайси кодекс билан тартибга солинади?
16. Қуйидаги қайси давлат органи Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
17. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?
18. Омбудсман бу?
19. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала қаерда муҳокама қилинади?
20. Даъво қилишнинг умумий муддати қанча?
21. “Tashkent Law Spring” форуми бу...
22. Никоҳ асосида қандай муносабатлар вужудга келади?
23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ким ва қайси давлат органи амалга оширади?
24. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар учун меҳнат қилиш бурчи белгиланганми?
25. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлашда сайлов тизимининг қайси моделидан фойдаланилади?
26. Апатритлар – бу :
27. Оила муносабатларини тартибга солиш қандай тамойилларга асосланган?
28. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллар қандай тартибда тайинланади?
29. Ўзбекистон Республикасида қайси орган халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга?
30. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши қачон чақирилади?
31. Мулкдорларнинг қандай бурчлари мавжуд?
32. Миллий истиқлол мафкураси нимани таъминлашга хизмат қилади?
33. Судда ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга қандай ҳоларда йўл қўйилади?
34. Ўзбекистон Республикасида солиқларни қайси орган жорий қилади?
35. Конституциянинг қайси қисмида Ўзбекистон халқи инсонпарвар Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаётгани эътироф этилган?
36. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат юритишда нималарга асосланади?
37. Қуйидаги қайси давлат органи Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
38. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида нечтадан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати бўлиши мумкин эмас?
39. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ жамиятнинг асосий бўғини бўлиб .....
40. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киради?
41. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киради?
42. Қуйида берилган қайси ҳужжатларнинг конституцияга мослигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатига кирмайди?
43. Конституцияга мувофиқ “...... жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.”
44. Қайси ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида фавқулотда ҳолат эълон қилинади?
45. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш кимнинг ваколати ҳисобланади?
46. Қуйидаги қайси мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятнома ва ишончномалар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган?
47. Никоҳни тузиш йўл қўймайдиган ҳолатларни кўрсатинг?
48. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий кучга эга бўладими?
49. Ота-оналар янги туғилган боласини қанча вактда рўйхатдан ўтказиши зарур?
50. Жиноятда далолатчи -
51. Жиноятда иштирокчилик -
52. Қасддан одам ўлдирганлик учун қайси ёшдан жавобгарлик юзага келади?
53. Суғурта нима?
54. Бирор кўрсаткич бўйича энг яхши, энг мақбул натижага эришишга нима деб аталади?
55. Товар нархи ошганда:

56. Қуйидаги хусусиятларнинг қайси бири бозор иқтисодиётига хос эмас?
57. Бозорнинг асосий афзаллиги нимада?
58. Иқтисодий давр нимани ўз ичига олади?
59. Ишлаб чиқаришнинг учала омилидан фойдаланиб, иқтисодий неъматлар яратувчилар қандай аталади?
60. . . . . . сиз бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас.
61. Меҳнат тақсимоти – ?
62. Харидор рақобатлашиши натижасида.......
63. Килобайт неча байтдан иборат?
64. Байт неча битдан иборат?
65. Ахборот қандай сифатларга эга бўлиши керак?
66. Ахборотнинг энг кичик ўлчов бирлиги нима?
67. Микропроцессор нима?
68. Ахборотнинг ўлчов бирликлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?
69. Ортиқча фигурани топинг.



1 2 3 4

70. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташқари, яна қайси ҳуқуқ соҳалари мулкий муносабатларни тартибга солади?
71. Фуқаролик қонунчилигининг вақт бўйича амалда бўлиши қандай?
72. Қайси ҳолларда асарларни муаллифнинг розилигисиз ижро этишга йўл қўйилади?
73. Қуйида кўрсатилганлардан қайси бирлари мерос олиш ҳуқуқига эга эмас?
74. Республикамизда паспорт тизимини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?
75. Шахс неча ёшдан шсиз деб эътироф этилиши мумкин?
76. Меҳнат кодексига асосан меҳнат интизомини бузган шахсга нисбатан қандай интизомий чоралари қўлланилиши мумкин?
77. Қуйидагилардан қайси бири жиноий жазо турига кирмайди?
76. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо чорасини қўллашга ваколатли органларни кўрсатинг
77. Қуйидагилардан қайси бири давлат пенсия турларига киради?
78. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан рад этилган қонун ...
79. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қандай орган?
80. Меҳнат дафтарчаси қандай ҳужжат?
81. Қуйидагиларнинг қайси бири меҳнат шартномасида кўрсатилади?
82. Қуйидаги аёллардан қайси бирлари иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилиши мумкин эмас?
83. Ходимни ишдан четлатиш деганда ......
84. Қуйидагилардан қайси бири рағбатлантириш турларига кирмайди?
85. Кундалик дам олиш вақтининг муддати неча соатдан кам бўлиши мумкин эмас?
86. Умумий жиноий жавобгарлик неча ёшдан вужудга келади?
87. Жиноят қонунчилигига кўра «анча миқдордаги зарар» деганда қандай зарар тушунилади?
88. Шаҳар, туманларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш ваколати қайси органга юклатилган?
89. Ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши бу?
90. Меҳнат шартномаси қанча муддатга тузиш мумкин?
91. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?



92. Вояга етмаганлар маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун қуйидагилардан қайси маъмурий жазо қўлланилмайди.
93. Қандай ҳолларда шахс фуқароликни йўқотиши мумкин?
94. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлислари бир йилда неча маротаба ўтказилади?
95. Сиёсий партия бу ...
96. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш ...
97. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
98. Юридик шахслар тушунчасига оид белгиларни аниқланг:
*1) Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ташкилот.*
*2) Ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган ташкилот.*
*3) Ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.*
99. Вазирлар Маҳкамасининг шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари қандай шаклда қабул қилинади?
100. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қандай шаклда қабул қилинади?
101. Қуйидагилардан қайси бири акциядорлик жамиятининг бошқаришнинг олий органи ҳисобланади?
102. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси "сўм" қачондан муомалага киритилган?
103. Ўзбекистон Республикаси нечта давлат билан чегарадош?
104. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони қанчани ташкил қилади?
105. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун качон қабул қилинган?
106. Ўзбекистонда энг катта сув омбори -
107. Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкали қачон ўрнатилган?
108. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ...
109. Қуйидаги ҳолатлардан қайси бири маъмурий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди?
110. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари қандай ҳолларда ўтказилади?
111. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлислари бир йилда неча маротаба ўтказилади?
112. Жиноят таркиби қандай асосий элементлардан ташкил топган?
113. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан қайси жазо тури ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин?
114. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида нечта турдаги асосий жазолар мавжуд?
115. Давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими бу...?
116. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларини кетма-кетликда кўрсатинг?
*1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;*
*2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;*
*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;*

*4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;*
*5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;*
*6. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.*
*7. вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари.*

117. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар сони нечта?

118. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишда қандай мулк билан жавоб беради?

119. Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Бунга тўғри келадиган атамани топинг?

120. Интеллектуал мулк объектлари жумласига нималар киради?

121. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш ҳуқуқи йўқ субъектни белгиланг.

122. Агар бугун чоршанба бўлса, 19 кундан кейин ҳафтанинг қайси куни бўлади?

123. “Халқ” ва “демократия” сўз жуфтлиги маъноларидан келиб чиқиб, жавоблар орасидан “қирол” сўзининг жуфтини танланг.

124. “Сон” ва “рақам” сўз жуфтлиги маъноларидан келиб чиқиб, жавоблар орасидан “сўз” сўзининг жуфтини танланг.

125. Ишчининг маоши дастлаб 20% га, сўнгра яна 20% га оширилган бўлса, унинг маоши неча фоизга ошган?

126. ... ҳайвонот оламига хос кечинма эмас, у ақл-заковат субъекти саналмиш ҳазрати инсонгагина хос, чунки эмпатик (ҳамдардлик) ҳис-туйғулар шахснинг мукаммаллик босқичига кўтарилишига кафолат негизидир. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

127. Агар хозир вақт 11:38 бўлса, 99 дақиқадан кейин соат неча бўлади?

128. Буваси набирасининг биринчи туғилган кунига битта китоб совға қилди. Иккинчи туғилган кунига – 3 та, учинчисига – 9 та, тўртинчисига – 27 та ва ҳоказо. Набираси 5 ёшга тўлди. Унда қанча китоб бўлди?

129. Англияга практикага келган 22 талабанинг 12 таси инглиз тилида, 14 таси немис тилида гаплашади. Қанча талаба шу икки тилда сўзлашади?

130. Отаси ўғли билан бирга 42 ёшга тенг, ўғли ва бувасининг ёши 67 га тенг, отаси ва буваси бирга 87 ёшда. Ўғли, отаси ва буваси алоҳида неча ёшга тенг.

131. Ака-ука Шерзод ва Бегзодлар оғир атлетика билан шуғулланадилар. Бир куни Шерзод айтди “ука менга иккита гантелингни берсанг менда икки баробар кўпроқ бўлар эди». Бегзод жавоб берди: “Ака, шу ҳам инсофданми?! Ундан кўра сиз менга иккита гантелингизни беринг шунда иккаламизда тенг, баробар бўлади.

Савол: ака-укаларда нечтадан гантел бор?

132. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг.

*8, 13, 18, 23,... ...*

133. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг.

*17, 19, 21, 23,... ...*

134. Қонуниятни топинг. *4, 5, 8, 9, 12, 13, 16, ..., ...*

135. Агар бунунги кун душанбадан кейин келмаса ва пайшанбадан олдин бўлмаса, кеча ва эртага якшанба эмас, эртадан кейин эса шанба бўлмайди ва кечадан олдин чоршанба эмас эди. Бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқланг?

136. Қўлларда 10та бармоқлар бор, 10та қўлда нечта бармоқ бор?

137. 2 кг.ли қадоқ тош, 1 кг ва яримта ғишт оғирлигига тенг. Битта ғиштнинг оғирлиги қанча?138. Врач беморга 30 минут оралиғи билан 3 та укол белгилади. Бемор уларнинг хаммасини қанча вақт ичида олиб бўлади?



138. Инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир кўрсатиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган тушунча бу -

139. “Эмоция” сўзини ўзбек тилига таржима қилинганда у қандай маънони кўпроқ англатиши мумкин?

140. Одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари, хис-туйғулари, хулқ-атвори кабиларни бошқара билишда акс этувчи сифат қандай номланади?

141. Одатда аффект тарзида кечадиган ва субъект учун ғоят муҳим эҳтиёжни қондириш борасида жиддий тўсиқ пайдо бўлгани оқибатида келиб чиқадиган, куч ғайратни ошириб юборадиган, ифодаланишига кўра салбий ҳиссий ҳолатга нима дейилади?

142. Инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи ғоя қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

143. Шахс ривожланиши ва таркиб топишининг асосий омиллари қайсилар?

144. Зарар деганда нимани тушунасиз?

145. Агар бугунги кун якшанбадан кейин келса ва пайшанбадан олдин бўлса, кеча душанба эмас, эртага сешанба эмас. Бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқланг?

146. Мамеднинг10 та қўйи бор эди. 9-дан бошқа кейинги ҳаммаси ўлиб қолди. Нечта қўй қолди?

147. Бўш жойга керакли рақамни қўйинг.



## 2.ЛАВОЗИМ КАСБ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ.

### 1.1. Адвокатура соҳасига оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги конун ҳужжатлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон Фармонининг мазмун ва моҳияти.
3. Адвокат вадвокат мақомига эга бўлиш.
4. Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари.
5. Адвокатлик фаолиятининг турлари, адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
6. Адвокатлик сири, адвокат касамёди ва адвокат гувоҳномасини бериш тартиби.
7. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) шартлари ва мажбурияти.
8. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва адвокатнинг ижтимоий ҳуқуқлари.
9. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, асосий вазифалари, органлари ва мансабдор шахслари ҳамда худудий бошқармалари.
10. Малака комиссиялари ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш ҳамда адвокатнинг интизомий жавобгарлиги.
11. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.
12. Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Давлат ва адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
13. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар касб этикаси қоидалари.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг мазмун ва моҳияти.
15. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида"ги Қонунининг мазмун ва моҳияти.
16. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва асосий принциплари ҳамда адвокатнинг ваколатлари.
17. Адвокатнинг хаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари
18. Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари, юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари ва адвокатуранинг маблағлари.
19. Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби.
20. Адвокат ва унинг вазифалари.
21. Юридик маслаҳатчилар ташкилоти вазифалари ва хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари.
22. Ҳуқуқий давлат тушунчаси ва унинг асосий белгилари нималардан иборат, бунда адвокатнинг ўрни нимадан иборат?
23. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчаси?
24. Жамиятимиз хаётига хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар
25. Адвокат мақомига эга бўлиш шартлари ва тартиби.
26. Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари.
27. Адвокат сўрови нима, бунинг оддий сўров хатдан фарқи.
28. Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги.
29. Адвокатлик лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби.
30. Адвокатлик лицензиянинг амал қилишини тугатиш тартиби.
31. Медиациянинг асосий принциплари.
32. Медиация тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.



33. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати.
34. Медиациянинг тугатилиши шартлари.
35. Медиацияни қўллаш чоғидаги чекловлар.
36. Медиация институти нима ва у кимларга химат кўрсатади?
37. Медиаторнинг фаолиятига ҳақ тўлаш тартиби.
38. "Медиация тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун ва моҳияти.
39. Адлия органларининг адвокатура соҳасидаги вазифалар нимадан иборат.
40. Низоларни муқобил ҳал этиш усуллари ҳақида гапириб беринг.
41. Жиноят процессида адвокатнинг иштироки ва унинг вазифалари.
42. Давлат томонидан кафолатланган бепул юридик ёрдам нима? У кимларга тадбиқ қилинади?

### 1.2.Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш соҳасига оид саволлар

1. Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади?
2. Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қанча муддатда судга мурожаат этиш мумкин?
3. Қайси ҳолатларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишга йўл қўйилади?
4. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаси олиб қўйилиши ҳақидаги қарор кимлар томонидан қабул қилинади?
5. Кўчмас мулк объектлари бузиб ташланиши муносабати билан мулкдорларга қандай компенсация турлари берилади:
6. "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қачондан бошлаб кучга кирди?
7. Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча худудларида қандай тартибда берилади?
8. Қайси орган давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади?
9. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар кимнинг фойдасига кўра ҳал этилади?
10. Фермер хўжаликлари учур ер участкалари қанча муддатга ижарага берилади?
11. Қайси ваколатли органлар қандай ҳолларда банк сирини талаб қилишга ҳақли?
12. Юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ бўлган низолар қандай низолар турига киради?
13. Жамоа шартномаси тушунчасига тариф беринг?
14. Кимлар иш берувчилар бўлиши мумкин?
15. Мурожаатларнинг турларини санаб беринг?
16. Ишончнома кўпи билан нечи йил муддатга берилади?
17. Даъво муддати тушунчасига тариф беринг?
18. Мажбурий меҳнат тушунчасига тариф беринг?
19. Юридик шахсни ўз фаолиятини қандан таъсис ҳужжатлар асосида амалга оширади?
20. Битимлар қандай шаклларда тузилади7
21. Консенсуал шартнома қачондан кучга киради ?
22. Солиқ муносабатлари субъектларини айтиб беринг ?

23. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахсларнинг иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси доирасидаги фаолияти хизматлар жумласига кирадими?

24. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб қанча муддатгача амал қилади?

25. Юридик шахслар мақсадидан келиб чиқиб қандай турларга бўлинади?

26. Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилигига биноан банкларнинг номига қўйилган муҳим талабни биласизми?

27. Маъмурий иш юритишни бошлаш учун қонунчиликда қандай асослар мавжуд?

28. Солиқ кодексида кўрсатилмаган солиқ имтиёзлари кимлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида берилиши мумкин?

29. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилган ҳолда мурожаатларни кўриб чиқиш муддати неча ойгача узайтирилиши мумкин?

30. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Марказий банк Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш қайси органнинг мутлақ ваколатига киради?

31. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолат жорий этиш кимнинг ваколатига киради?

32. Ариза ёки шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан бир ойга узайтирилганда, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар берилиши шартми?

33. Бир хил юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири айни бир соҳани тартибга солишга қаратилган ва иккинчиси нисбатан кейин қабул қилинган бўлса ҳамда ушбу ҳужжатлар ўртасида зиддият бўлганда қайси бири татбиқ этилади?

34. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун нечта ҳудудий сайлов округи тузилади?

35. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар қайси ҳужжатга мувофиқ берилади?

36. Давлат мақсадли жамғармалари юридик шахс ташкил этмасдан тузилиши мумкинми?

37. Фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар, агар ушбу шахслар корпоратив низолар бўйича ишларнинг тарафлари бўлса, низо қайси судга тегишли бўлади?

38. Фуқаровий ва хизмат қуролини олиш ҳуқуқи ким томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади?

39. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори қайси ҳолатда қабул қилинади?

40. Ашёвий ҳуқуқларни санаб беринг?

41. Реквизиция нима?

42. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шаклларини санаб беринг.

43. Рента ва ижаранинг фарқини айтиб беринг?

44. Бир тарафлама битимлар деб нимага айтилади ва мисоллар келтиринг?

45. Иқтисодий судларда кассация шикоятини (протестини) бериш муддати қанча?

### 1.3. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик соҳасига оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг сиёсий ҳуқуқларини санаб беринг?



3. Ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг қандай ҳуқуқи ҳисобланади?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан жамиятнинг иқтисодий негизини нима ташкил этади?

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раисини тайинлашга қайси давлат органи ваколатли?

6. Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилишга қайси давлат органи ваколатли?

7. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари?

8. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби?

9. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилишини қонун ҳужжатларига асосан тушунтириб беринг?

10. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати деб нимага айтилади?

11. Фуқаронинг муомала лаёқати деганда нимани тушунасиз?

12. Эмансипация нима?

13. Фуқаро қандай ҳолатда муомалага лаёқатсиз деб топилади?

14. Фуқаронинг муомала лаёқати қандай ҳолатда чекланади?

15. Суд қачон фуқарони бедарак йўқолган деб топади?

16. Фуқарони вафот этган деб эълон қилишни тушунтириб беринг?

17. Қандай фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак?

18. Масъулияти чекланган жамият тушунчаси?

19. Шўъба хўжалик жамияти тушунчаси?

20. Қарам хўжалик жамияти тушунчаси?

21. Юридик шахсни тугатиш асослари билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигига киритилган охирги ўзгартириш?

22. Юридик шахсни тугатиш тартиби билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигига киритилган охирги ўзгартириш?

23. Битим тушунчаси ва унинг турлари?

24. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари?

25. Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари?

26. Неустойканинг пенядан фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг?

27. Қайси холатларда шахс 72 соатгача ушлаб турилиши мумкин?

28. Жазо тизимига (жазо турлари) нималар киради?

29. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар?

30. ЖПК қоидалари бўйича шахсни ушлаб туриш асослари?

31. Давлат-хусусий шериклик тушунчаси?

32. Жиноят тушунчаси?

33. Апатрид тушунчаси?

34. Яқин қариндошларга кимлар киради?

35. Қайси ҳолларда жазо ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлик учун ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим?

36. Ижтимоий шериклик деганда нимани тушунасиз?

37. Коррупциявий омиллар нима?

38. Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қандай турдаги ҳужжат қабул қилинади?

39. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тушунтириб беринг?

## 1.4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш соҳасига оид саволлар

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима? Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахсларни санаб беринг.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва уларнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартибини тушунтириб беринг. У ўз ичига қандай босқичларни қамраб олади?

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган қандай расмий манбаларни биласиз?

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қачондан бошлаб кучга киради? Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилишини тушунтириб беринг.

6. Ҳуқуқий ахборот нима? Уни тарқатиш усулларини санаб беринг.

7. Давлат органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тушунтириб беринг.

8. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби деганда нимани тушунасиз ва у ўз ичига нималарни қамраб олади?

9. Қайси турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак?

10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига қачондан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилган? Қайси орган ёки муассасага ушбу Миллий базада қонун ҳужжатларини нашр этилишини таъминлаш ваколати берилган?

11. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ва қачондан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида ҳар йили тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотининг эшитилиши амалиётга жорий қилинган?

12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисоби учун юбориш тартибини тушунтириб беринг.

13. Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қандай йўл билан давлат ҳисобига олинади?

14. Қандай турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат ҳисоби юритилмайди?

15. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?

16. Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш тартибини тушунтириб беринг.

17. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси деганда нима тушунилади?

18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларни санаб беринг.

19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари деганда нимани тушунасиз?

20. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.

## 1.5.Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасига оид саволлар

1. Jus cogens нормаларининг моҳияти ва халқаро ҳуқуқий нормалар тизимидаги ўрнини таҳлил қилинг.

2. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг таснифланишини таҳлил қилинг.

3. Ҳужжат халқаро ҳуқуқ манбаси сифатида тан олиниши учун қандай асосий талабларга жавоб бериши лозим?



4. Жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?

5. Нима учун давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти ҳисобланади?

6. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектлилигининг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?

7. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари иерархияси мавжудми?Мавжуд бўлса санаб беринг.

8. Халқаро ҳуқуқда давлатларнинг суверен тенглик принципининг моҳиятини таҳлил қилинг.

9. Халқаро ҳуқуқда низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципининг моҳияти ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаларини таҳлил қилинг.

10. Халқаро ҳуқуқда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципининг моҳиятини таҳлил қилинг.

11. Халқаро ҳуқуқнинг ҳудудий яхлитлик принципи таснифи қандай?

12. Халқаро ташкилотларни таснифлаб беринг.

13. Маълумки, халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро нохукумат ташкилотларга бўлинади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро нохукумат ташкилотларнинг фарқларини таҳлил қилинг.

14. Халқаро ҳуқуқнинг самарали тараққиёти ва глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг роли қандай?

15. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида қандай халқаро ташкилотлар фаолият олиб боради?

16. БМТ ташкил топишининг тарихий илдизлари ва у қандай мақсадларни кўзлайди?

17. БМТ бош органлари қайсилар?

18. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – халқаро ҳуқуқбузарликларга қарши курашда халқаро универсал ташкилот сифатидаги ўрнини таҳлил қилинг.

19. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрда ташкил этилган. Мазкур ташкилотнинг мақсади қандай?

20. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доимий фаолият юритувчи минтақавий ҳукуматлараро халқаро ташкилот. Мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари қандай?

21. Дипломатик ваколатхонанинг фаолият вазифаларини изоҳланг.

22. Дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

23. Халқаро ҳуқуқда "дипломатик ҳимоя" тушунчаси қандай?

24. Консуллик муассасаларининг қандай турлари мавжуд?

25. Консулнинг вазифаси қайси ҳолларда тугатилади?

26. Халқаро ҳуқуқда тан олиш ва давлатларни тан олиш тушунчасини таснифлаш?

27. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг мақсади ва устувор вазифалари қандай?

28. "Халқаро шартномалар ҳуқуқи" тушунчасини таснифланг.

29. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси асосида халқаро шартномага тушунча беринг.

30. Халқаро шартномалар ҳуқуқининг субъектлари кимлар ҳисобланади ва субъектлиликнинг талаблари нималардан иборат?

31. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунига мувофиқ ким халқаро шартнома тузиш ваколатига эга ва мазкур ваколатлар қандай амалга оширилади?

32. Халқаро шартномани ратификация қилиш нима? Ўзбекистон Республикасида ратификация қилиш жараёни нима билан якунланади?

33. Халқаро шартномалар ҳуқуқида оговорка (қўшимча шарт, изоҳ) тушунчаси мазмунини ёритиб беринг.

34. Халқаро шартномалар ҳуқуқида депозитарий ва унинг вазифалари нималардан иборат?

35. Халқаро шартномаларни тузиш қандай босқичлари мавжуд?

36. Халқаро шартноманинг бекор қилиниши тартиби қандай?
37. Халқаро шартномаларнинг ҳақиқий емас деб топиш сабабларини аниқланг.
38. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида халқаро шартномаларнинг турларини кўрсатинг ва уларнинг аҳамиятини изоҳланг
39. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг юридик кучига қараб классификациялаб беринг.
40. Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг асосий ядроси моҳияти ва аҳамиятини баён қилинг.
41. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик тушунчаси қандай?
42. Халқаро ҳуқуқда мажбур қилиш тушунчаси ва унинг турлари.
43. Халқаро ҳуқуқда қандай қарши чоралар мавжуд?
44. Давлат иммунитети» («дахлсизлик ҳуқуқи») тушунчаси
45. Давлат юрисдикцияси тушунчаси?
46. Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тушунчаси ва унинг турлари.
47. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси ва турлари.
48. Давлат чегараларининг турлари ва халқаро ҳуқуқда ҳудудий низолар.
49. Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси таснифлаб беринг.
50. Халқаро ҳуқуқда бошпана ҳуқуқи тушунчасини таснифлаш?

## 1.6. Иқтисодий қонунчилик соҳасига оид саволлар

1. Мулк ҳуқуқи қандай элементлардан иборат?
2. Юридик шахсларни тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган гуруҳларга ажратишда қандай мезон асос қилиб олинган?
3. Юридик шахсни қайта ташкил этиш турлари?
4. Ишлаб чиқариш кооперативлари нима?
5. Унитар корхона нима?
6. Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси нима?
7. Қонуний неустойка нима?
8. Гаров турлари?
9. Оферта нима?
10. Шартнома қайси ҳолларда тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин?
11. Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишнинг қандай турлари мавжуд?
12. Реторсия нима?
13. Инвестициялар нима ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тартиби?
14.Марказлаштирилмаган инвестициялар қуйидагилардир қайсилар?
15. Қўшимча масъулиятли жамият нима?
16. Акциядорлик жамияти нима?
17. Масъулияти чекланган жамият нима?
18. Ишлаб чиқариш кооперативлари нима?
19. Унитар корхона нима?
20. Жамоат бирлашмалари нима?
21. Жамоат фонди нима?
22. Банкротлик нима?
23. Кимлар пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга?



24. Банкротлик тасмилларини айтинг?
25. Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш муддати қанча?
26. Холдингга тариф беринг.
27. Қайси тармоқларда холдинглар ташкил этишга йўл қўйилмайди?
28. Молиявий холдинг нима?
29. Банк қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади, унинг устав капиталининг энг кам миқдори қанча бўлиши керак ва банклар фаолияти ким томонидан лицензияланади?
30. Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект томонидан мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан киритилган талабнома қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?
31. Уй-жой фонди қайси фондлардан иборат?
32. Давлат уй-жой фонди қандай фондлардан ташкил топган?
33. Давлат томонидан кимларга текинга уй-жой берилади?
34. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар неча ёшдан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлади?
35. Уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қанча ҳажмда белгиланади?
36. Ўзбекистон Республикасида нечта ер фонди тоифалари мавжуд?
37. Ер участкаларини хусусийлаштириш шакллари?
38. Кўчмас мулкка бўлган қандай ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак?
39. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳисобланади?
40. Қонуности ҳужжатларига нималар киради?

## 1.7. Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасига оид саволлар

1. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ҳақида маълумот беринг.
2. Халқаро ҳуқуқнинг манбалари ҳақида маълумот беринг.
3. Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳақида маълумот беринг.
4. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг?
5. Халқаро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг фарқи нимада?
6. Халқаро ташкилотларнинг функциялари нималардан иборат?
7. Халқаро ташкилотларга аъзолик ҳақида маълумот беринг.
8. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг фарқи нимада?
9. Халқаро шартномалар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.
10. Халқаро шартномаларни тузиш босқичлар ҳақида маълумот беринг.
11. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича қанақа халқаро механизмларни биласиз?
12. Бирлашган миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ҳақида маълумот беринг.
13. Бирлашган миллатлар ташкилоти тузулмаси ҳақида маълумот беринг.
14. Бирлашган миллатлар ташкилотининг ихтисослашган муассасалари ҳақида маълумот беринг.
15. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.
16. Ўзбекистон Республикаси имзолаган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича қайси халқаро ҳужжатларни биласиз?
17. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳақида маълумотлар беринг.

18. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси ҳақида маълумот беринг.
19. Ўзбекистон Республикаси манфаатларига дахлдор қанақа хорижий ташкилотларни биласиз?
20. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш нима учун керак?
21. Сиёсий-ҳуқуқий соҳада қанақа халқаро рейтинг ва индексларни биласиз?
22. Халқаро рейтинг ва индекслар шакллантиришда асосий маълумотлар қанақа усулда йиғилади?
23. Сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларнинг асосий индикаторлари нималар?
24. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича қандай ҳужжатлар қабул қилинган?
25. Инвестиция арбитражи тушунчаси?
26. Ҳалқаро ивестицияга доир низоларини хал қилиш турлари ва усуллари?
27. Инвестиция арбитражи қандай элементларни (ҳуқуқ соҳалари) ўз ичига олади?
28. Бугунги кундаги қандай ивестицияларга доир суд жараёнларини биласиз?
29. Халқаро ивестицияга доиз низонинг ҳалқаро тижорат арбитражига нисбатан фарқи нимада?
30. Талабларнинг моҳияти бўйича инвестицияга доир низолар қандай турларда бўлади?
31. Кимларни ҳалқаро тижорат арбитражи тарафлари деб аташ бўлади?
32. Инвестицияга доир низонинг предмети нимада?
33. Вашингтон конвенциясининг (1965 йил) ҳалқаро инвестиция низоларини ҳал этилишидаги аҳамияти?
34. ICSID (МЦУИС) замонавийарбитраж низоларини ҳал этилишидақандай рол ўйнайди?
35. ЮНСИТРАЛ регламенти ва уни арбитраждаги ўрни қандай?
36. Телеграмма ва хатларнинг халқаро арбитражда аҳамияти қандай?
37. Чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларга нималар киради?
38. Репатриация нима?
39. Экспроприация тушунчаси?
40. Реквизиция тушунчаси?
41. Мақсад объекти бўйича инвестициялар нималарга бўлинади?
42. Ҳалқаро инвестицион арбитражда арбитрлар танлаш?
43. Арбитраж жойигақандайталаблар бор?
44. Мумкин бўлган арбитраж ишида инвесторнинг миллати деганда нимани тушунасиз?
45. Арбитраж ва мамлакатнинг инвестицион иқлими ўртасидаги боғлиқлик нималарда акс этади?
46. Арбитраж вақт оралиқларини айтинг?
47. Арбитраж регламентининг ўрни?
48. Қандай ҳолатда арбитраж халқаро ҳисобланади?
49. Халқаро тижорат арбитражида арбитраж битимининг икки турини айтинг?
50. Низода чет эл элементнинг роли ва ўрни?

## 1.8. Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасига оид саволлар

1. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатларини санаб беринг?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини айтиб беринг?
3. Ўзбекистон Республикасидаги таълим турларини тўғрисида маълумот беринг?



4. Олий таълим тушунчаси ва унинг босқичлари тўғрисида айтиб беринг?
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида айтиб беринг?
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатларини санаб беринг?
8. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларини айтинг?
9. Таълим муассасаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида маълумот беринг?
10. Давлат таълим стандартлари тушунчасини ва уни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини айтиб беринг?
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2932-сон қарорида университетнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
12. Тошкент давлат юридик университетининг ташкилий тузилмаси ҳақида нималарни биласиз?
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сон қарорида Тошкент давлат юридик университетига қандай вазифалар юкланган?
15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат юридик университети фаолияти билан боғлиқ қандай ваколатлари бор?
16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент давлат юридик университети фаолияти билан боғлиқ қандай ваколатлари бор?
17. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини тушунтириб беринг?
18. Адлия вазирлигининг юридик коллежларининг ҳуқуқий мақомлари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан белгиланган?
19. Коллежларга қабул қилиш тартиби хусусида айтиб беринг?
20. Коллежларда қандай йўналишларга ихтисослашган мутахассисликдаги ходимлар тайёрланади?
21. Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалини ташкил этиш учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни айтинг?
22. Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали қайси соҳаларда қадрлар тайёрлайди?
23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказини фаолиятини тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини айтиб беринг?
24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази фаолияти тўғрисида нималарни биласиз ?
25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида фақат ҳуқуқшуносларни малакасини оширадими ёки бошқа соҳа вакилларини ҳам малакаларини оширадими?
26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристлар малакасини ошириш маркази фаолияти билан боғлиқ қандай ваколатлари бор?
27. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида қандай йўналишларда курслар ташкил этилади?

28. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари ҳақида қандай малумотларга эгасиз? Курсда ўқитиш қайси соҳаларни ўз ичига олади?

29. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида кимлар ўқиши мумкин? Талабгорларга қандай талаблар қўйилган?

30. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида таълим жараёни қандай тартибда олиб борилади, ўқув машғулотлари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

31. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? Курсда кимлар ўқиши мумкин?

32. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ҳужжат топшириш ва имтиҳон жараёнлари қандай тартибда амалга оширилади?

33. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни муддати, дарс машғулотларини ташкил этиш тартиби хусусида қандай маълумотларга эгасиз?

34. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган курслар битирувчиларгига қандай ҳужжатлар тақдим этилади? Битирувчилар қайси соҳаларда меҳнат фаолиятини олиб боришлари мумкин? Афзалликлар қандай?

35. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

36. Мавжуд билим ва кўникмаларингиздан келиб чиқиб, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бўйича, умуман, юридик таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қандай таклифларни билдирасиз?

37. Суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини айтиб беринг?

38. Адлия вазирлигига суд-экспертиза соҳасида қандай вазифалар берилган?

39. Суд экспертиза тушунчасини изоҳлаб беринг?

40. Суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари қайсилар?

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сон "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун моҳияти ҳақида гапиринг?

42. Нодавлат суд экспертиза муассасини ташкил этишга доир талабларни айтиб беринг?

43. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлари?

44. Кимлар суд эксперти бўлиши мумкин?

45. Экспертиза хулосаси беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат қайси ҳолатларда тузилади?

46. Комиссиявий ва комплекс экспертизаларни таърифлаб беринг?

47. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш деганда нимани тушунасиз?

48. Суд экспертларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат?

49. Суд экспертининг мустақиллиги деганда нимани тушунасиз?

50. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик хусусида тушунтириш беринг?

51. Х.Сулаймонова номидаги Республика Суд экспертизаси маркази фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?



## 1.9. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари нималардан иборат?

2. Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?

3. Мулк ҳуқуқи нима? Мулк ҳуқукининг шакллари, субъектлари ва объектлари.

4. Қайси ҳолларда битимлар нотариал тасдиқланиши шарт?

5. Даъво муддати, умумий даъво муддати ва махсус даъво муддати?

6. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати деганда нимани тушунасиз?

7. Шартноманинг битимдан фарқи нимада?

8. Сервитут ҳуқуқи ҳақида нима биласиз?

9. Зарарни қоплаш деганда нимани тушунасиз? Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ким томонидан тўланади?

10. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар?

11. Васийлик ва ҳомийлик деганда нимани тушунасиз?

12. Масъулияти чекланган жамият нима? Бу турдаги жамият энг ками ва кўпи билан неча шахс томонидан таъсис этилади?

13. Акциядорлик жамиятлари, уларнинг устав фонди ҳақида гапириб беринг?

14. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битимларни тузиш шартлари?

15. Виндикация деганда нимани тушунасиз? Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартиби?

16. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати? Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?

17. Кимлар ишсиз деб эътироф этилади?

18. Қандай ҳолларда алимент мажбуриятлари тугатилади?

19. Кимлар васий ва ҳомий этиб тайинланмайди?

20. Фуқаролик ишлари бўйича суд қайси ҳолларда иш юритишни тугатади?

21. Суд ҳужжатларининг қандай турлари мавжуд?

22. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори қандай?

23. Меҳнат низолари бўйича кимлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?

24. Ҳакамлик судлари томонидан қандай низолар ҳал этилади?

25. Суднинг қарорлари (ажримлари) устидан шикоят қилиш тартиби қандай?

26. Инсон ҳуқуқлари бўйича қандай халқаро ҳужжатлар мавжуд?

27. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби?

28. Мурожаатларни кўрмай қолдириш билан уларни кўриб чиқишни тугатишда қандай фарқ бор?

29. Вояга етмаган шахслар давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?

30. Қандай ишларни бажарилиши мажбурий меҳнат ҳисобланмайди?

31. Давлат пенсияларининг турларини ёритиб беринг?

32. Пенсияга чиқишда ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби?

33. Солиқлар ва йиғимларнинг турларини cананг?

34. Давлат божини қандай турлари мавжуд?

35. Реторсиялар нима?

36. Қанча муддатда меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш мумкин.

37. Қандай ҳолларда суд даъво аризасини даъво муддати ўтганлиги муносабати билан судда кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиши мумкин.

38. Меҳнатга ҳақ қанча муддатларда тўланади?

39. Қандай ҳолларда ходимнингмеҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

40. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар деганда кимлар тушунилади?

41. Суднинг дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари қайсилар?

## 1.10. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасига оид саволлар

1. 2019 йил январь ойида қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий вазифаларини айтиб беринг.

2. "Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастурининг муҳим жиҳатларини санаб беринг? Хусусан, Дастурда ёшларга берилган имтиёзлар ва шарт-шароитларни айтиб беринг.

3. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий жиҳатларини айтиб беринг.

4. 2019 йилда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган муҳим қонун ҳужжатлари ва уларнинг энг муҳим жиҳатларини айтиб беринг?

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг энг муҳим жиҳатлари айтиб беринг?

6. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатларини айтиб беринг?

7. Мажбурий меҳнатни олдини олиш бўйича сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва уларнинг моҳиятини айтиб беринг?

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлаш тартибини айтиб беринг?

9. Меҳнат қонунчилиги бўйича аёлларга берилган имтиёзларни санаб беринг?

10. Маъмурий жазо турларини айтиб беринг?

11. Амнистия ва афвни фарқини айтиб беринг?

12. Қайси ҳолларда ходимнинг меҳнат ҳақида ушлаб қолишга йўл қўйилади?

13. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари нималардан иборат?

14. Ота ёки онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асосларини айтиб беринг?

15. Манфаатлар тўқнашуви нима? Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар нималардан иборат?

16. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясинининг асосий моҳиятини айтиб беринг.

17. Меҳнат шартлари деганда нима тушунилади, қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли?

18. Қайси холларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда аналогия (ўхшашлик) қўлланилади?

19. Парламент назорати қандай шаклларда амалга оширилади?

20. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари нималардан иборат?

21. Волонтёрлик фаолияти нима ва унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

22. Меценатлик (меценатлик фаолияти) нима ва у қандай мақадларда амалга оширилади?

23. Жамоатчилик назоратининг субъектлари кимлар ва у қандай шаклларда амалга оширилади?

24. Ижтимоий шериклик нима ва у қандай соҳаларни ўз ичига қамраб олади?

25. Ҳуқуқий ахборот нима? Уни тарқатиш усулларини санаб беринг.



26. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган қандай расмий манбаларни биласиз?

27. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларни санаб беринг.

28. Жамоат бирлашмалари ва жамоат фонди нима?

29. Виндикация деганда нимани тушунасиз? Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартиби?

30. Меҳнат низолари бўйича кимлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?

31. Мурожаатларни кўрмай қолдириш билан уларни кўриб чиқишни тугатишда қандай фарқ бор?

32. Қандай солиқ турлари мавжуд?

33. Давлат пенсияларининг турларини ёритиб беринг?

34. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучини изоҳланг.

35. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари қачон ташкил қилинди ҳамда уларнинг асосий вазифаларини айтинг.

36. Маъмурий тартиб-таомил нима? "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади ва асосий вазифаларини айтинг.

37. Сиёсий партияларни тузиш тартибини тушунтиринг .

38. Нодавлат нотижорат ташкилоти деганда нимани тушунасиз ва у қандай мақсадларда тузилади.

39. Фуқаролик ҳуқида мулк ҳуқуқини вужудга келиш асосларини айтиб беринг?

## 2. УМУМИЙ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартибини айтиб беринг.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби қандай босқичларни ўз ичига олади?

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик нима?

5. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳамда давлат рўйхатидан ўтказмасликнинг оқибатлари ҳақида гапиринг.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилишга доир талабларни айтинг.

7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилинадиган расмий манбаларини тўлиқ айтиб беринг

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш тартибини тушунтиринг.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби.

10. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби.

11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи.

12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши тартиби.

13. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби.

14. Давлат бошқарув органи ҳамда хўжалик бошқарув органларининг ўзаро фарқи.

15. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларининг кафолатлари нималардан иборат.

16. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ва шакллари. Мурожаатларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби.

17. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунинг қўлланилиш соҳаси.

18. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар.

19. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат.

21. Ариза, шикоят ва таклифларни бериш муддатлари.

22. Мурожаатлар бўйича иш юритиш тартибини.

23. Мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари.

24. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш асослари.

25. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва мансабдор шахсларининг мажбуриятларини айтинг.

26. Коррупцияга таъриф беринг. Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларини айтинг.

27. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифаларини санаб беринг.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқилиши, келишилиши ва уларнинг қабул қилиниши борасидаги фаолиятда қандай янги тартиблар жорий қилинди?

30. Адлия вазирлигининг тизими ҳақида маълумот беринг.

31. Адлия вазирлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат бошқаруви тизими самарадорлигини комплекс ва танқидий таҳлил қилиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

32. Адлия вазирлиги ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

33. Адлия вазирлиги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

34. Адлия вазирлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

35. Адлия вазирлиги маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

36. Қонун ҳужжатларини туркумлаш деганда нимани тушунасиз ва унинг асосий мақсади?

37. Туман (шаҳар) адлия бўлимлари қачон ташкил қилинди ҳамда уларнинг асосий вазифаларини айтинг.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5415-сон Фармонига асосан, Адлия вазирлигига халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича қандай ҳуқуқлар берилди?

39. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва ҳудудий адлия органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги юзасидан, хусусан уларнинг тегишлича давлат ҳокимияти вакиллик органларига ахборот тақдим қилиши борасида қандай янги тартиб жорий қилинди?

40. Маъмурий тартиб-таомил нима? "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг мақсади ва асосий вазифаси.

41. Маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда қандай ҳолатларда иштирок этишга ҳақли эмас?



42. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини айтинг.

43. Ижтимоий шериклик ва унинг асосий шакллари.

44. Давлат-хусусий шериклик ва унинг объектлари.

45. Ижро интизоми нима, ижро интизомини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни айтинг.

46. Юридик хизмат нима? Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари.

47. Маъмурий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

48. Фуқаролик судлари томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

49. Иқтисодий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

50. Қайси ҳолларда суд буйруғи чиқарилишига йўл қўйилади?

51. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?

52. Конституция-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари.

53. Конституциявий ҳуқуқ нормалари ва институтлари.

54. Конституциявий ҳуқуқ манбалари ва тизими.

55. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини Конституциямизда акс эттирилганлиги.

56. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши деганда нимани тушунасиз? Давлат фаолиятининг асосий принципларини ёритиб беринг.

57. Референдум нима? Мамлакатимизда референдум ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатинг.

58. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи деганда нимани тушунасиз? Ушбу принципнинг мазмун-моҳиятига тўхталинг.

59. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги деганда нимани тушунасиз? Мисоллар билан фикрингизни асосланг.

60. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ за бурчлари деганда нималарни тушунасиз? Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қандай халқаро ҳужжатлар билан танишмисиз?

61. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга нималар киради. Уларнинг қандай кўринишлари мавжуд.

62. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга нималар киради.

63. Мулк нима? Мулк дахлсизлиги қандай таъминланади?

64. Умуммиллий бойликлардан фойдаланиш тартиби қандай? Уларни давлат муҳофаза этилиши қандай йўллар билан амалга оширилади?

65. Мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф қилиш, мулкдан маҳрум қилиш деганда нимани тушунасиз?

66. Жамоат бирлашмалари деганда нимани тушунасиз? Жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни.

67. Касаба уюшмалари нима? Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини айтиб беринг.

68. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва ҳуқуқий асосларини ёритиб беринг.

69. Маъмурий-ҳудудий тузилиш тушунчаси ва унинг тамойиллари ва маъмурий-ҳудудий бирликларни ўзгартириш ва тугатиш тартиби.

70. Ўзбекистон Республикасида сайлов органлари, уларнинг тизими ва фаолият йўналишларини ёритиб беринг.

71. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришлар нималардан иборат эди.

72. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимият тизимидаги ўрни.

73. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг. Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

74. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.

75. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.

76. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг таркибий тузилмалари.

77. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақомини батафсил ёритиб беринг. Уларнинг фаолият йўналишлари нималардан иборат.

78. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлоқ ваколатларига нималар киради?

79. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг мутлоқ ваколатларига нималар киради?

80. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига нималар киради?

81. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига нималар киради?

82. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш асоси ва тартиби қандай?

83. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.

84. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ суд тизими ҳақида гапириб беринг.

85. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг қандай асослари мавжуд? Фуқаролик ҳуқуқлари қандай усуллар орқали ҳимоя қилинади?

86. Зарарни қоплаш деганда нимани тушунасиз? Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ким томонидан тўланади?

87. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Унинг вужудга келиши. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар.

88. Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати.

89. Битимлар тушунчасига таъриф беринг. Битимларнинг қандай турлари мавжуд? Шартнома билан битимнинг фарқи.

90. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битимларни тузиш шартлари.

91. Ишончнома тушунчаси ва унинг шакли.

92. Даъво муддати тушунчаси ва турлари. Даъво муддатининг ўта бошлаши қайси ҳолларда тўхтатилади?

93. Мулк ҳуқуқи тушунчаси. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва объектлари ҳақида гапириб беринг.

94. Хусусий мулк ҳуқуқи. Оммавий мулк қандай мулкларни қамраб олади?

95. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати? Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?

96. Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

97. Мерос таркибига нималар киради?

98. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомала лаёқатисиз деб топилган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

99. Муаллифлик ҳуқуқи нима?

100. Турдош ҳуқуқлар ва уларнинг муҳофаза белгилари.



101. Ижтимоий шериклик нима, унинг субъектлари кимлар, ижтимоий шерикликнинг қандай принциплари мавжуд?

102. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг усулларини ёритиб беринг.

103. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ёритиб беринг.

104. Парламент назоратини амалга ошириш деганда нимани тушунасиз.

105. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига умумий тавсиф беринг.

106. "Электрон ҳукумат" тизимига тавсиф беринг.

107. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ёритиб беринг ва концепциясида назарда тутилган ислоҳотларнинг амалга оширилиши қандай натижаларга эришишга қаратилган?

108. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланиш мумкин?

109. regulation.gov.uz веб-сайтининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

110. "Mening fikrim" махсус веб-портали қандай мақсадда ташкил этилган ва у орқали қайси давлат ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин?

111. Бугун жамиятимизда "уюшмаган ёшлар" тушунчасининг маъно-мазмуни хусусида турли баҳс-мунозаралар кетмоқда. Сизнингча, мазкур тушунча кимларга нисбатан ишлатилиши мумкин?

112. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур ислоҳотлар учун қандай тамойиллар асос қилиб олинди?

113. Ўзбекистон Республикасида демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли ва вазифалари қандай?

114. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида қайси органлар эътироф этилган.

115. Рақамли иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?

116. Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича масъул бўлган қандай идора ва ташкилотларни биласиз. Уларнинг асосий ваколатлари нималардан иборат.

117. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таълим соҳасига оид қандай ташаббуслар илгари сурилди.

118. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга ошириш зарур бўлган қандай вазифаларга тўхталиб ўтди.

119. Гендер тенглик деганда нима тушунасиз. Ушбу соҳани тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишсиз?

120. Давлат-хусусий шерикчилиги нима? Ушбу шартномадан кўпроқ қайси йўналишда кенг фойдаланилмоқда.

## 3. АМАЛИЁТДА КЎП УЧРАЙДИГАН МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР (КАЗУСЛАР)

1. Фуқаро А. 2015 йилда вафот этгандан сўнг унга тегишли Тошкент шаҳар, Сергели тумани, А.З. кўчаси, 1-уй ушбу мол-мулкка нисбатан меросхўрлар топилмаганлиги сабаблиқаровсиз қолиб кетган. Туман ҳокими фуқаро А.га тегишли бўлган уйни эгасиз мулк деб топиш ҳамда уни давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Аризачи "Алишер чорва" фермер хўжалиги номидан иш юритувчи А.О. туман ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги қарорини бекор қилишни сўраб туман маъмурий судига ариза киритган. Бироқ, суд мазкур ариза фермер хўжалиги раҳбари томонидан шахсан имзоланмаганлиги сабабли иш юритишни тугатган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Фуқаро И.Э олти ой давомида давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган. Солиқ органи томонидан бу ҳолат аниқлангач, рўйхатдан ўтиб ўз фаолиятини давом эттирди. Бир йилдан сўнг солиқ органи якка тартибдаги тадбиркор И.Э фаолиятини текширди ва камчиликларни аниқлади. Солиқ инспектори агар И.Э ҳомийликка ва бошқа тадбирларга жалб этиб турилишига рози бўлса, ушбу камчиликларни расмийлаштирмаслигини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4. Фуқаро С.А ўзининг ишдан бўшатилганлигини ғайриқонуний деб ҳисоблаб, ишга тикланиш мақсадида судда ўзи олдин ишлаган ташкилотга нисбатан даъво қўзғатди. Хусусан, фуқаро С.А. 2019 йил 5 сентябрда ташкилот маъмуриятига ўз хоҳиши билан ишдан бўшаши ҳақида ариза ёзган. Бироқ, фуқаро С.А. кейинчалик бу фикридан қайтиб 2019 йил 10 сентябрда аризасини қайтариб олиш мақсадида ташкилот маъмуриятига қайта мурожаат қилганда, маъмурият унинг аризасини олишни рад этиб, 2019 йил 9 сентябрда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқариб юборилганлигини маълум қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

5. Фуқаро Д.Ж. туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида тузилган махсус комиссия унга моддий ёрдам тўлашдан бош тортаётганлигини маълум қилган. Аниқланишича, махсус комиссия фуқаро Д.Ж. оиласини ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлашда мулкий даромадлар, чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси ҳамда "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида микрокредит олинган санадан бошлаб охирги 12 ой мобайнида оилавий тадбиркорликни амалга оширишдан олинган даромадларни ҳам оиланинг жами даромадига киритган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

6. Фуқаро Ш.А. вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, чин етим бўлишига қарамасдан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бепул тиббий хизмат олиш учун ордер берилмаётганлигини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

7. Туман ҳокими томонидан "Деҳқон бобо" фермер хўжалиги раҳбари А.Ж.нинг аризасига асосан фуқаро И.Л.га фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказиш бўйича тегишли қарори қабул қилинган. Бироқ, орадан кўп ўтмай "Деҳқон бобо"



фермер хўжалиги раҳбари А.Ж.нинг ўғли туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, "Деҳқон бобо" фермер хўжалиги бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар фуқаро И.Л.га ўтказилиши ноқонуний бўлганлиги сабабли, туман ҳокимининг қарорини бекор қилишда амалий ёрдам сўраган?

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

8. "КОЛОР" МЧЖ ўзига қарашли транспорт воситасида жамиятнинг ҳайдовчиси томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги (автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали) юзасидан МЧЖга нисбатан жарима қўлланилганлигидан норози бўлиб адлия органларига мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

9. Фуқаролар Рахматов ва Шерматовлар Алижон исмли қўшниси томонидан кичик ариқча унинг ҳовлисидан ўтганлиги сабабли тўсиб қўйилганлиги, бунинг натижасида хонадонларидаги экинларни суғориш имкони йўқлигидан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишди.

Фуқаролар Рахматов ва Шерматовларнинг судга киритган даъвоси юзасидан ҳуқуқий баҳо беринг.

10. Фуқаро "Б" ўзига деҳқончилик қилиш учун ажратилган ер майдонига якка тартибдаги уй-жой қуришга ҳокимият томонидан тўсқинлик бўлаётганлигидан норози бўлиб судга мурожаат қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

11. Фуқаро Юнусобод туман мактабгача таълим бўлимида ишловчи И.Пардаева 2019 йил 8 декабрь куни ҳомиладорлик таътилига чиққан. Ҳомиладорлик даврида икки нафар фарзанд кўрган. Мактабгача таълим мудираси фуқаро И.Пардаевага 56 календарь кун муддати билан туғиш таътили берган. Фуқаро И.Пардаева мазкур ҳолатдан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

12. Тадбиркорлик субъекти нодавлат таълим фаолияти хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат қилди. Бироқ, ваколатли органнинг масъул ходими мазкур тадбиркор томонидан ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилганига қарамасдан, тадбиркор илгари сурган ғоя ва мақсадларни ўрганиб чиқиб, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб лицензия беришни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. 2019 йил октябрь ойида фуқаро Р.Рашидов сайлов участкасига мурожаат қилиб ўзини сайловчилар рўйхатига киритиб қўйишини сўрайди. Участка раиси унга аниқ сайловчилар миқдори бор эканлигини, сайловчилар рўйхатга олинган вақтда у яшаш жойида бўлмаганлиги туфайли киритилмаганлигини таъкидлайди. Ўз навбатида, Р.Рашидов бир кун аввал Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлганлигини ва барча фуқаролар каби сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгалигини айтиб ўтди. Сайлов участкаси раиси Р.Рашидов билдирган важларга эътибор қаратмасдан, рўйхатга олиш жараёни якунланганлигини ва рўйхат юқори турувчи комиссияга тақдим этилганлигини маълум қилди. Р.Рашидов юзага келган ҳолат бўйича судга шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

14. "Махсуд" хусусий корхонаси директори Махсуд Амиров бетоблиги туфайли корхона фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлмай қолди. Корхонани вақтинча бошқариш вазифасини буйруқ асосида корхона бош бухгалтери Далибоев Хусанбойга

юклади. Аммо корхона юрисконсульти Жамшид Чориев бу ноқонуний эканлиги, хусусий корхонани фақатгина хусусий корхона директорининг ўзи бошқариши лозимлигини, директорнинг юқоридаги буйруғи бош бухгалтер Далибоев Хусанбойнинг корхона директори вазифасини вақтинчалик бажариши учун асос бўла олмаслигини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

15. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилган фуқаро А.Каримов томонидан 2019 йил январда ягона таъсисчи бўлиб "ФАЙЗ" МЧЖ ташкил этди. Олти ой муддат ўтганидан сўнг, яъни 2019 йил июлда жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида белгиланган тартибда янги икки нафар иштирокчи жамиятга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтгач жамиятнинг таъсисчиси бўлган А.Каримов жамият таъсисчилар сафидан чиқмоқчилигини маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

16. Д.Д 2014 йил январь ойидан электр пайвандлаш корхонасида механик бўлиб ишлаб келади. Д.Д ўтган муддат давомида меҳнат шароитлари етарли таъминланмаганлиги сабабли меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги корхона раҳбарига мурожаат қилди. Унинг мурожаати эса "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган муддатларда кўриб чиқди. Д.Д бундан норози бўлиб, меҳнат инспексиясига мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

17. Фуқаро Г.Г пахта тозалаш заводига оператор бўлиб ишга кирди. Иш берувчи билан ходим ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузилди. Муддатли меҳнат шартномаси тугагандан сўнг иш берувчи меҳнат муносабатлари тугалланганлиги тўғрисида ходимни огоҳлантирмади ва меҳнатга оид муносабатлар давом этаверди. Муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан саккиз кундан сўнг иш берувчи меҳнат шартномаси тугаганлигини айтди. Бундан норози бўлган Г.Г судга шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

18. Фуқаро Д.О ўзининг аризасига асосан иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди ва иш берувчидан ишдан бўшатиш нафақаси тўланишини талаб қилди. Иш берувчи эса унга нисбатан ишдан бўшатиш нафақаси берилмаслигини ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаганлигини айтиб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

19. "Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti" Давлат унитар корхонаси қурилиш-монтаж ишлари бўлими чилангари Д.Р.га йиллик асосий таътил ўн икки кун берилди. Ходим бу муддат меҳнат қонунчилигига мувофиқ эмаслигини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

20. Д.В. ишга қабул қилинганлигига 5 ой бўлмасдан туриб, "ERIELL Corporation s.r.o." компанияси Қарши минтақавий бошқармасига 5-разрядли электрогаз пайвандчи вазифасидан иш ўрни қисқараётганлиги муносабати билан ишдан бўшатилиши маълум қилинди. Ходим Д.В йиллик асосий таътил сўраб мурожаат қилди ва мурожаати биринчи иш йили учун олти ой ишламаганлиги учун рад этилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

21. Ҳакимова умумий ўрта таълим мактабида юқори синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган эди. Маълумоти - ўрта махсус. Янги 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб мактаб директори Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини айтди. Директор ўрта махсус маълумотли кадрлар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай олмаслигини,



шунинг учун ҳам Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

22. Ходим Анваров ўзи ишлаб турган корхонадан бошқа вилоятда жойлашган корхонага хизмат сафарига юборилди. Унинг пластик картасига корхона ҳисобидан 4 миллион сўм хизмат сафари учун харажатлар олдиндан тўлаб берилди. Хизмат сафаридан қайтган ходим ушбу харажатларнинг 3 миллион сўмини ассословчи, самолёт билети, меҳмонхона маълумотномаси каби ҳужжатларни топширди. Корхона бухгалтери ундан хизмат сафаридан қайтгач икки ой ўтиб, унинг ойлик иш ҳақидан ходимнинг розилигисиз хизмат сафари учун ажратилган маблағ ва амалдаги харажатлар ўртасидаги фарқни (1 миллион сўмни) ушлаб қолди. Ходимнинг ойлик иш ҳақи эса, 1 миллион 300 минг сўмни ташкил қилади. Бундан норози бўлган Анваров корхона бухгалтери устидан давлат меҳнат инспекторига мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

23. Корхона бош бухгалтери билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 6-банди бўйича бекор қилинди. Бу лавозимда ишлаган Ж.Э. ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида касаба уюшмаси розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмаслигини айтиб, судга шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

24. Қарзни ундириб бериш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди ва МИБга ижро варақаси жўнатилди. Ижро варақаси МИБга келиб тушгандан сўнг, давлат ижрочиси қарздорга 5 кунлик ихтиёрий ижро муддатини белгилади. Шунда қарздор давлат ижрочисидан норози бўлиб, ихтиёрий ижро муддати 15 кунлигини важ қилиб судга мурожаат қилди.

МИБ ходимининг хатти-ҳаракатлари қонунийми?

25. "Алла" МЧЖ раҳбари Б.А. туман адлияга мурожаат қилиб, унинг фаолияти 2019 йил 10 декабрда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича туман инспекцияси томонидан текширилганлигини, бироқ текшириш тегишли равишда келишилганлиги тўғрисида маълумот берилмаганлиги юзасидан мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

26. Бекобод шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 56-уйда жойлашган Ипак йигирув фабрикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг 1994 йил 3 ноябрдаги буйруғи билан давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи "Буюк ипак йўли" ОАЖга 1994 йил 23 ноябрда 4279-сонли давлат ордери берилган. Бироқ, Бекобод шаҳар ҳокимининг 2019 йил 19 сентябрдаги 965-сонли қарори билан аввал хусусийлаштирилган мазкур мулк узоқ йиллар давомида фойдаланилмасдан бўш турганлиги важи билан ҳокимлик захирасига олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

27. "Бобо" МЧЖнинг кредиторлардан 18 миллион сўм қарзи мавжуд ва бу карзни тўрт ойдан бери тўламай келмоқда. "Бобо" МЧЖга нисбатан кредиторлар иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилишди. Мурожаатда "Бобо" МЧЖни банкрот деб топиш тўғрисидаги важлар кўрсатилган эди. Иқтисодий суд мазкур аризани кўриб чиқиб қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

28. Фуқаро А. Тошкент давлат юридик университетини 2019 йилда тамомлаб, Молия вазирлигига юрисконсульт лавозимига қабул қилинган. Орадан 6 ой ўтиб фуқаро А. оилавий шароити сабабли ўз аризасига асосан ишдан бўшатилди. Бундан кейин орадан 5 ой ўтиб худди шу ташкилотга ишга қабул қилинганда, иш берувчи томонидан унга нисбатан 3 ойлик синов муддати белгиланди. Фуқаро А. иш берувчи томонидан дастлабки синовни белгилаш мумкин эмаслигини талаб қилиб, судга мурожаат қилди.

Мазкур ҳолатда иш берувчининг ҳаракатлари қонунийми?

29. Ташкилот ҳайдовчиси маъмурий суд қарорига мувофиқ 1 йил муддатга муайян ҳуқуқдан (автомашинани бошқариш) маҳрум қилинди. Ташкилотда унга тўғри келадиган бошқа иш ўрни мавжуд эмас. Ташкилот раҳбарияти янги ҳайдовчи олиш учун у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

30. Туман Давлат солиқ инспекцияда юридик хизмат ходими штати анча вақтдан буён вакант. Мавжуд вакант иш ўрнини тўлдириш мақсадида туман Давлат солиқ инспекция ёнма-ён жойлашган туман молия бўлимида юрисконсульт лавозимида ишловчи фуқаро Ш.С.ни ўриндошлик асосида (0,5 ставкада) ишга қабул қилмоқчи. Тегишли ҳужжатлар ҳудудий адлия органига тақдим қилинди.

Айтингчи, туман молия бўлимида ишловчи фуқаро Ш.С.ни ўриндошлик асосида туман Давлат солиқ инспекциясида юрисконсульт лавозимида ишга қабул қилиниши қонун ҳужжатларига тўғри келадими?

31. “Д” исмли фуқаро шикоят билан туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида “Д” исмли фуқаро истиқомат қиладиган маҳалла раиси унинг руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туришини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

32. Мактаб директори жума куни мактаб ҳудудида ўқитувчилар иштирокида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ихтиёрий ҳашар ташкил қилди.

Ҳудуддаги бандликка кўмаклашиш маркази меҳнат ҳуқуқ инспектори мазкур ҳолат юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сон қарорига мувофиқ ҳашарлар фақатгина Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ўтказилиши лозимлигини асос сифатида кўрсатиб, уни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси *(Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш)* биринчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

33. Фермер хўжалиги раиси А.К.га нисбатан кадастр бўлими томонидан 2019 йил 9 январь куни ер майдонидан хўжасизларча фойдаланилгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси билан маъмурий жарима қўлланилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

34. “А” исмли фуқаро 2018 йил 20 октябрь куни бир марталик акция доирасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш мақсадида оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисидаги маълумотнома олиш учун МФЙга борганида МФЙ раиси унга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарорига асосан маълумотнома берилмаслигини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.



35. “Б” исмли фуқаро 2015 йилда Самарқанд вилоятида мавсумий ишчи бўлиб юрган пайтида Самарқанд вилояти, Пастдарғам қишлоғида ўзбошимчалик билан иморат қурган. “Б” исмли фуқаро Бухоро вилояти, А.Юнусов кўчаси, 101-уйда доимий рўйхатда туради. Фуқаро бир марталик акция доирасида Самарқанд вилояти Пастдарғам тумани давлат хизматлари марказига ўзбошимчалик билан қурилган иморатига мулк ҳуқуқини олиш учун мурожаат қилди. Бироқ, давлат хизматлари маркази ходими фуқаронинг паспортидаги яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларига асосан унга Бухоро вилоятида жойлашган давлат хизматлари марказига мурожаат қилишини айтади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

36. Фуқаролиги бўлмаган “В” исмли шахс бир марталик акция доирасида 2015 йилда қурилган ўзбошимчалик билан қурилган иморати жойлашган ҳудуддаги туман давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилади. Бироқ, давлат хизматлари маркази ходими аризани қабул қилишдан бош тортди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

37. “Г” исмли ходим 2018 йил 1-5 май кунлари ишга сабабсиз келмади. Иш берувчи 2018 йил 6 май куни ундан тушунтириш хати олди. Бироқ, иш берувчи шу куни хизмат сафари билан чет элга кетди. Хизмат сафаридан қайтгандан сўнг “Г” исмли ходимнинг 2018 йил 6 май кунги тушунтириш хатига асосан унга 2018 йил 1 июль куни “хайфсан” интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

38. Кадастр бўлими томонидан “Е” исмли фуқарога унинг кам таъминланган оила эканлигини, оилада фақат битта ўзи ишлаётганлигини инобатга олиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жаримадан кам миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдорида жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

39. “Ж” исмли фуқарога туғма бош мия фалажи касаллиги учун 2012 йилда II гуруҳ ногиронлиги белгиланган.

Касалликда бўладиган ўзгаришлар ва реабилитация дастури ижросини кузатиб бориш мақсадида тиббий-меҳнат эксперт комиссияси “Ж” исмли фуқарони 6 йилдан буён тиббий кўрикдан ўтказиб келмоқда.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

40. Коллеж ўқитувчиси “З” исмли фуқаро ишга 3 ойлик синов муддати билан қабул қилинган. “З” синов муддатини қониқарсиз ўтади. Коллеж кадрлар бўлими томонидан у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 2-банди *(ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши)* билан бекор қилиш тўғрисида буйруқ лойиҳаси тайёрланди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

41. “И” исмли фуқаро бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан 2019 йил 1 март куни корхона раҳбарига ариза мурожат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини 2 март кунидан бошлаб бекор қилишни сўради.

Ташкилот раҳбари “И” билан тузилган меҳнат шартномасини ариза берилган кундан кейин икки хафтадан ўтгач бекор қилишини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

42. Кўп-қаватли уйда жойлашган хонадонда совуқ сув, газ учун ҳисоблагичлар ўрнатилмаган. Коммунал идора вакиллари хонадонда истиқомат қилувчи вояга етмаган 2 ёшдаги болани ҳам ҳисобга олган ҳолда тўловларни ҳисоблашди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

43. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан туман адлия бўлими томонидан киритилган меҳнат низоси билан боғлиқ аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 195-моддаси биринчи қисми 2-банди *(манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса)* га асосан иш юритувига қабул қилинмасдан қайтарилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

44. Фуқаро нотурар жойни турар жойга ўтказиш учун туман давлат хизматлари марказига мурожаат қилди. Давлат хизматлари марказлари ходими нотурар жойни турарга ўтказиш мумкин эмаслигини, балки турар жойни нотурар ўтказиш мумкинлигини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

45. Эр хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланган хўжалик жамияти устав фондидаги улушни бўлиш билан боғлик низо мавжуд. Тарафнинг адвокати ушбу тоифадаги низолар корпоратив низолар ҳисобланишини асос сифатида кўрсатиб, ҳудуддаги иқтисодий судга мурожаат қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

46. "Коммунал сервис" номли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати жорий йилнинг 1 январидан бошлаб турар жой эгаларининг мажбурий бадал миқдорларини оширганлигини эълон қилди. Бунга асос сифатида ширкат бошқарувининг мажбурий бадалларни ошириш тўғрисидаги қарорини турар жой мулдорларига тақдим қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

47. Ширкат "А" исмли фуқаро манзилига 3 ой давомида тўланмаган мажбурий бадалларни тўлаш лозимлиги тўғрисида талабнома жўнатди.

"А" исмли фуқаро ширкат хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ҳудуддаги адлия бошқармасига мурожаат қилиб, 3 ой давомида хизмат сафарида бўлганлигини, хонадонда ҳеч ким истикомат қилмаганлигини таъкидлаб, асословчи ҳужжатларни тақдим этди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

48. Фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқини эътироф қилиш учун 1 013 650 (энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари) миқдорда бир марталик йиғимни тўлади. Туман ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг фуқаро кадастр идорасига мурожаат қилди. Кадастр идораси унга кадастр йиғмажиди учун тўлов амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади. Фуқаро эътироз билдириб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида тўланган йиғимни квитанциясини кўрсатди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

49. Ҳудудий адлия бошқармасига вилоят ҳокимлиги томонидан тайёрланган ҳудудда ичимлик суви тарифига 20 сўм миқдорида устама қўшиш хусусидаги қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тақдим қилинди.

Ҳудудий адлия бошқармаси томонидан ушбу қарор лойиҳаси қабул қилишда асос мавжуд эмаслиги ҳамда ҳокимликларнинг бу борада ваколати йўқлиги асос сифатида келтириб, розилик визаси қўйилмаган ҳолда қайтарилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.



50. Кўп хонадонли уй-жойнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчи фуқаро хонадон атрофидаги ер майдонини темир панжара билан ўраб олди. Мазур ҳолат юзасидан норози бўлган фуқаролар туман (шаҳар) адлия бўлимига мурожаат қилишди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

51. Турар жой мулкдорлари ширкат фаолияти қониқарсиз эканлиги сабабли тегишли мажбурий бадалларни тўлашдан бош тортишди.

Мазкур ҳолатнинг қонунийлиги юзасидан изоҳ беринг.

52. Фуқаро якка тартибда уй-жой қуриш туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Ҳокимлик вакиллари ер майдони «E-IJRO AUKSION» орқали ажратилиши таъкидлашиб фуқаронинг мурожаатини рад қилишди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.